

## Муносиб куёв



10:45 / 27.11.2018 5784

Оила қуришда фақат куёв тараф келин танлаш ҳуқуқига эга эмас, балки келин ҳам куёв танлаш ҳуқуқига эгадир. Чунки юқорида айтиб ўтганимиздек, оила, аввало, кўнгилга боғлиқ маънавий ва руҳий алоқадир. Бундай алоқада икки томон бирдек иштирок этмаса, яхшиликка эришиб бўлмайди. Оилага эр қанчалик зарур бўлса, аёл ҳам шунчалик зарурдир. Оилавий алоқалар эрнинг кўнглига қанчалик боғлиқ бўлса, аёлнинг кўнглига ҳам шунчалик боғлиқ бўлади.

Аслида, куёв танлашда яна ҳам эътиборли ва масъулиятли бўлиш лозим. Бундай ўта нозик ва масъулиятли ишда зинҳор бепарво бўлмаслик керак.

Оиша онамиз розияллоҳу анҳо:

«Никоҳ қулчиликдир. Сиздан ҳар бирингиз ўз кариёмасини қаерга қўяётганига назар солсин», – деганлар.

Имом Ғаззолий «Ихёу улумид-дийн» китобида:

«Аёлнинг ҳаққида эҳтиёт бўлмоқ муҳимроқдир. Чунки у никоҳ ила қулга ўхшаб қолади. Ундан халос бўлиши қийин. Эр эса, ҳар ҳолда, талоқ қилишга қодир», – деганлар.

Ибн Жавзий айтади:

«Аёллар эркакларнинг туғишганларидир. Эркакка аёл ёққани каби, аёлга ҳам эркак ёқади».

Шунинг учун ҳам Ислом шариатида муносиб келиннинг сифатларига қанчалик эътибор берилса, муносиб куёвнинг сифатларига ҳам шунчалик эътибор берилган.

Албатта, доим таъкидланаётганидек, бу танловда ўлчов динимиз қоидалари асосида бўлиши лозим. Одамлар қадр-қийматининг ўлчови Қуръони каримда қандай эканига назар солмоқ керак.

Аллоҳ таоло «Хужурот» сурасида шундай деб марҳамат қилади:

أَنْتُمْ عِنْدَ اللَّهِ أَكْرَمُونَ

**«Албатта, Аллоҳнинг ҳузурида энг ҳурматлигингиз энг тақводорингиздир» (13-оят).**

Исломда инсоний сифатларнинг энг афзали тақводорликдир. Аллоҳ таолонинг ҳузурида энг ҳурматли, энг азиз, энг мукаррам инсон тақводор инсондир. Шунинг учун ҳам куёв танлаш вақтида энг биринчи ўринда унинг тақвосига эътибор бериш керак бўлади.

???? ?????? ?????? ?????? ?????? ??????: ??????  
?????? ?????? ?????????????? ??????? ?????? ??????????  
????????????? ??????????: ??? ?????????????? ??? ????????

??????: ?????? ???? ?????? ???? ??????????

????? ???? ???? ?????????????? ?????? ?????? ???? ?

????????????? ?????? ?????? ?????????? ?????????? ???? ?

????????????? ?????????????????????? ??????????: ??? ??????????????

??? ?????? ??????????: ?????????? ?????? ?????????? ?????? ???

????????????? ?????????? ?????????? ?????? ??? ??????????????

??????? ?????? ?????? ??? ?????????????????? ?????????? ??????????

?????? ?????????? ??????? ?????????????? ??????????????: ??????

????????? ?????? ?????????? ?????????????? ?????????? ??????.

????????? ??????????????????????.

*Саҳл розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларидан ўтди. Бас, у зот:**

**«Мана бу ҳақида нима дейсизлар?» - дедилар.**

**«Агар совчи қўйса, қиз беришга, шафоатчилик сўраса, шафоат беришга ва сўзласа, тинглашга арзийдиган одам», - дейишди. У зот жим қолдилар.**

**Кейин фақир мусулмонлардан бир киши ўтди. У зот:**

**«Мана бу ҳақида нима дейсизлар?» - дедилар.**

**«Агар совчи қўйса, қиз бермасликка, шафоатчилик сўраса, шафоат бермасликка ва гапирса, тингламасликка арзийди», - дейишди.**

**Шунда Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам:**

**«Бу ҳалигига ўхшаганларнинг ер юзи тўласидан ҳам яхшироқдир», - дедилар».**

*Бухорий ривоят қилган.*

Набий соллalloҳу алайҳи васалламнинг олдиларидан биринчи ўтган киши фақат бойлиги билан танилган одам эди. Иккинчи бўлиб ўтган киши Жухайл ибн Суроқа розияллоҳу анҳу бўлиб, у киши камбағаллиги ва тақвоси билан машҳур киши эдилар.

Набий соллalloҳу алайҳи васаллам билан бирга ўтирган кишилар у зотнинг мазкур икки киши ҳақидаги саволларига бойлик асосида жавоб бердилар.

Ҳа, одамларнинг қадр-қийматини ўлчаш уларнинг ўзларига қўйиб қўйилса, қадр-қийматни айнан молу мулкка қараб ўлчашлари турган гап. Чунки инсон табиати ўз ҳолича қўйилса, илоҳий таълимотларсиз мазкур ҳолга тушиб қолиши ҳам муқаррар.

Шунинг учун ҳам инсон қадр-қийматини ўлчашни шариат ўз зиммасига олган. Шариат ўлчови бўйича, инсон қадр-қиймати унинг молу пулига, мансабу насабига қараб эмас, тақвоси ва аҳли солиҳлигига қараб ўлчанади.


Бир дона тақводор, аҳли солиҳ камбағал, Ислom дини назарида, ер юзи тўла бой-бадавлат фосиқлардан кўра афзалдир.

Ислomда инсоннинг қадри молу мулкига қараб эмас, молу мулкнинг қадри унга молик бўлган инсонга қараб белгиланади. Агар мол-мулк тақводор киши қўлида бўлса, яхши мол-мулк бўлади. Аммо у фосиқ ва фожир киши қўлида бўлса, ёмон мол-мулк бўлади.

Тақводор, аҳли солиҳ одам молу дунёси бўлса ҳам, бўлмаса ҳам яхшидир. Фосиқ ва фожир одам эса ҳар икки ҳолда ҳам ёмондир.

Шунинг учун одам танлашнинг энг нозик ва ҳассос нуқтаси – куёв танлаш масаласида ҳам бўлғуси куёвнинг диндорлигига, тақвосига ва аҳли солиҳ

эканига аҳамият бериш лозим.



Абу Ҳотим ал-Музаний розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Қачон сизга ўзингиз динидан ва хулқидан рози бўлган киши келса, унга (сўраганини) никоҳлаб беринг. Агар шундай қилмасангиз, ер юзида фитна ва фасод бўлур», дедилар.**

**«Эй Аллоҳнинг Расули, агар унда (фақирлик ва ҳоказо) бўлса ҳам-а?» дейишди.**

**У зот «Қачон сизга ўзингиз динидан ва хулқидан рози бўлган киши келса, унга (сўраганини) никоҳлаб беринг», деб уч марта айтдилар».**

*Термизий ривоят қилган ва ҳасан, деган.*

Бу ҳадиси шарифдан дини ва хулқи яхши бўлган йигит энг муносиб куёв бўлиши қаттиқ таъкидланганлиги келиб чиқмоқда. Дини ва хулқи рози бўлинадиган даражадаги киши томонидан совчи келганида қизни келинликка берилмаса, ер юзида фитна ва фасод иш қилинган бўлиши уқтирилмоқда.

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан бу гапни эшитиб, агар у одам камбағал ёки бошқа рағбат қилинмайдиган сифатларга эга бўлса ҳам-а, деган маънодаги саволни берганларида у зотнинг олдинги гапларини уч марта қайта такрорлашлари кишидаги диндорлик ва яхши хулқ нақадар улуғ сифатлар эканини яна бир бор тасдиқлайди.

Биз, мўмин-муслмонлар куёв танлаш пайтида ушбу набавий маслаҳатларга амал қилсак, албатта тўғри йўл тутган бўламиз.

Муносиб куёв танлаш борасидаги барча далил ва ҳужжатларни жамлаб, тартибга солиб, таҳлил қилган уламоларимиз асосан қуйидаги сифатларга эътибор бериш лозимлигини таъкидлайдилар:

**1. Диндорлик.**

**2. Тақводорлик.**

**3. Ҳусни хулқ.**

**4. Оила масъулиятини адо этиш қобилияти.**

**5. Келиннинг тенги бўлиши.** Бунда ёши, ижтимоий ҳолати ва шунга ўхшаш нарсалар кўзда тутилган.